



Янги Фарғона

2025 йил
4 октябрь
Шанба
№ 80 (301)

Газета 2022 йил 4 октябрдан чиқа бошлаган

САНЪАТ,

ДЎСТЛИК ВА

**“Буюк Ипак йўли”
халқаро мақом
фестивали**

ҲАМЖИҚАТЛИК

БАЙРАМИ

Икки минг йиллик бой тарихга эга кўҳна ва ҳамиша навқирон Марғилон шаҳри яна бир халқаро нуфузли анжуманга мезбонлик қилди. “Буюк Ипак йўли” халқаро мақом фестивали дунёнинг турли ҳудудларида яшаб, ижод қилаётган мақом ва аския санъати усталари, фольклор жамоалари, адабиёт ва ҳунармандчиликка меҳри баланд инсонларни бир жойга жамлади.

Халқ оғзаки ижодиётининг ноёб намуналарини кенг тарғиб қилиш, асраб-авайлаш, ривожлантириш, халқлар ўртасида дўстлик, биродарлик ришталарини янада мустаҳкамлаш мақсадида ташкил этилган фестиваль эрта тонгда шаҳардаги Ижодкорлар боғида бошланди. Сўлим ва ораста бог хорийкий меҳмонлар ва юртинининг турли ҳудудларидан келган тадбир иштирокчлари билан янада гавжум бўлди.

» | Давоми 2-бетда.

Омилкорлик

70 МИНГ ТОННАДАН ОРТИҚ МОШ
ЭКСПОРТ ҚИЛИНАДИ

Дангара туманида кейинги йилларда галладан бўшаган майдонда такрорий экин сифатида дуқаксиллар онласига мансуб бўлган мош етиштириш ва мўмай даромад олиш қўлаи тобора ортиб бормоқда.

Бу йил ҳам туманда такрорий экин сифатида 7,5 минг гектар ерда мош парваришланди. У сувсизликка чидамли бўлиб, кам меҳнат талаб қилади. Қолаверса, 75-80 кунда пишиб етилиши боис сентябрь ойида ҳосилни йиғиб олгач, ўз вақтида кузги бугдой экин ёки ерни баҳорга тайёрлаб қўйиш мумкин.

Қишлоқ хўжалигида сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш долзарб масалага айланган ҳозирги шароитда бу каби истиқболли лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш жуда ҳам муҳимдир. Чунки бүгун илмга, инновацияга асосланган деҳқончилик ҳар жиҳатдан фойдаланилади.

Айни кунларда экспортёр тадбиркорлар билан ўзаро келишув асосида туманидаги 181 та фермер хўжалигида ҳосилни йиғиб-юриб олиш ишлари якунига етказилган.

– Замонавий агротехнологиялар

ёрадамида беш йилдан буён мош экармиз, – дейди фермер Муҳаммадjon Рафизжонов. – Шу кунларда беш гектар ердаги мош йиғиштириб олинди. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, бир гектар ердан олинган ҳосил 2,2 тоннадан кўпроқни ташкил этмоқда. Бугунги нарх-наво бўйича бу ҳар гектар ердан ўртача 22-23 миллион сўм соф даромад олиш имконини беради. Энг муҳими, мош экинни она замин унумдорлигини оширади. Тупроқда табиий шароитда фойдали минерал ўғитлар захирасини яратди.

Тадбиркор Рамзбек Эгамназаров хитойлик ҳамкорлар билан биргаликда даладардан йиғиб келинаётган ҳосилни пешма-пеш қадоқлаган ҳолда экспортга жўнатмоқда. Йиғиш, саралаш ва қадоқлаш жараёнида 20 нафар маҳаллий ёшлар иш билан таъминланган.

Бу борада Хитойдан келган мутахассислар хомашедан тайёр махсу-



лоттача бўлган жараёнда яқиндан қўмаклашиб, жаҳон андозалари асосида иш ташкил этиш бўйича йўл-йўриқ кўрсатмоқдалар.

– Ўтган йили Дангара туманидан Хитойга 36 минг тонна мош экспорт қилинишига эришилган эди, – дейди тадбиркор. – Бу йил ушбу кўрсаткични 70 минг тоннадан ошириш мақсад қилинган. Бойси Чин юр-

тида ушбу махсулотга бўлган талаб ва тақлиф йилдан-йилга ошиб бормоқда.

Демак, янгича ёндашувлар ва доимий ишланиш яқин келажакда нафақат махсулот ҳажми, балки экспорт географиясини ҳам кенгайтиришга хизмат қилади.

Ботир МАДИЁРОВ

Муҳим жараён

УМУММИЛЛИЙ РЎЙХАТГА ОЛИШ
мамлакатни ривожлантириш истиқболларини белгилайди

Мамлакатни ривожлантириш истиқболларини белгилашда аҳолининг демографик ва иқтисодий-иқтисодий хусусиятлари, яшаш даражаси ва фаровонлиги, қишлоқ хўжалиги ҳолатини аниқлаш жуда муҳим. Бунда рўйхатга олиш долзарб аҳамиятга эга.

Юртимизда умумимиллий рўйхатга олиш охириги март 1989 йилда ўтказилган. Сўнгги йилларда бу йўналишда қатор ишлар амалга оширилди. Жўзладан, “Аҳоли рўйхатга олиш тўғрисида” қонуни қабул қилиниб, аҳолини ҳар 10 йилда, қишлоқ хўжалигини эса ҳар 5 йилда қамида бир марта рўйхатдан ўтказиш белгиланган.

Шу муносабат билан 2025 йил 19 сентябрда Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикасида аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш тадбирини ўтказиш

тўғрисида”ги ПФ-173-сон Фармони қабул қилинди. Фармонга кўра, Ўзбекистонда рўйхатдан ўтказиш тадбирлари 2026 йил 15 январдан 28 февралга қадар ўтказилади. Унинг дастлабки 17 кун ичиге термет орқали, кейинги бир ой мобайнида эса “маҳалла етилими” ишларида қўллаб-қувватланади.

Маъмур усул орқали харажатлар сезиларли қисқариб, 1,3 триллион сўм маблағ тежалади. Шунингдек, рўйхатга олиш жараёнида оддий ва шаффоф тарзда ташкил этилади. Саволларнинг сони



аввал режалаштирилган 328 тадан 71 тага қисқартирилди.

Рўйхатга олиш натижасида Европа статистикачилар конференциясининг 2020 йилдаги тавсиялари асосида 38 миллион аҳолининг таркиби ва миграцияси, оилавий ҳолати, фаолият тури, даромад манбалари тўғрисида ягона маълумотлар базаси шакллантирилади. Мамлакатимиздаги қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланиш ҳолати, чорва моллари ва паррандалар сони

аниқланади. Бу орқали қишлоқ хўжалигида йўналтирилаётган йиллик 25,6 триллион сўм, жумладан, 2,2 триллион сўм бюджет маблағларининг самарадорлиги, соҳаданги хизматлар ҳажми ва озиқ-овиқ хавфсизлигини таъминлаш учун зарур маълумотлар тўплами яратилади.

Рўйхатга олиш жараёнидаги самарали амалга ошириш учун “маҳалла етилими” махсус ўқув дастури асосида тайёрланади ва

рағбатлантирилади. Бунинг учун Жаҳон банки кўмагида амалга оширилаётган статистика тизимини мухтажамлаш лойиҳасининг маблағлари йўналтирилади.

Шунингдек, оммавий ахборот воситалари, иқтисодий тармоқлар орқали кенг тарғибот ишлари йўлга қўйилади. Махсус кўрсатув ва видеороликлар ноймоний этилиб, фуқароларнинг хабардорлиги оширилади.

Умуман, маъмур тадбирлар аҳоли ва қишлоқ хўжалигининг реал қўрсаткичларини аниқ белгилаш, давлат дастурларининг мақсадли ҳамда самарали амалга ошириш учун муҳим аҳамиятга эга бўлади.

ШОХРУХ МАМАДАЛИЕВ,
вилоят статистика
бошқармаси бошлиғи